2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 13-DEKABR, PAYSHANBA, 148 (8073)-sonlar

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Самарқанд вилояти



Самарқанд туманида яшовчи Мансур Нуриллаевлар оиласи миллий ҳунармандчилигимиз ривожига фаол ҳисса қўшиб келаётир. Оила бошлиғи миниатюрачи-рассом М.Нуриллаев Самарқанд шаҳридаги "Руҳобод" ҳунармандлар марказида фаолият юритади. У яратган санъат намуналари нафис ва бетакрорлиги билан эътиборни тортади. Рафиқаси Мартаба Шерқулова миллий қўғирчоқлар ясайди. Улар биргаликда фарзандларига ўз ҳунарлари сир-асрорларини ўргатаётир.

**СУРАТДА:** *Миниатюрачи-рассом Мансур Нуриллаев.*

**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

## САҲИФАЛАРДА:



ОНА ЗАМИН ШИФОКОРЛАРИ 3

ҲАМ ОЗУҚАБОП, ҲАМ САНОАТБОП ЎСИМЛИК



5



ОСМОНДАГИ ТУШЛИК 8

# 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Жиззах вилояти

## ОБОДЛИКНИ ДАЛАСИДАН БОШЛАЙДИ ДЕҲҚОН

**Мирзачўл туманидаги "Ўзбекистон" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси марказий таъмирлаш устахонасига "Райҳони Азиз" фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Норбоев, хўжалик механизаторлари — Суннат Тошмуродов ва Муҳаммаджон Абдуолимовлар кириб келишди. Уюшма раиси Бахтиёр Абдуқодиров бу пайтда устахона айвонидаги таъмирлаб қўйилган сеялка ва культиваторларни кўздан кечириб юрарди. Раиснинг юз-кўзларида аллақандай мамнуният ва қувонч зоҳир эди.**

— Кеча телевизор томоша қилдингизми? — деди раис улар билан қўл бериб кўришаркан...

— Ҳа-ҳа, Бахтиёр ака, томоша қилдик, — деди фермер ҳамроҳлари учун ҳам жавоб бериб. — Юртбошимизнинг келаси йилни "Обод турмуш йили" деб эълон қилганидан жуда ҳам хурсанд бўлдик. Қаранг, йилларни бир-бирига қандай чуқур маънода уйғун ҳолда боғлаб келаётир. Оилаларни мустаҳкамлаяпмиз, мустаҳкамлайверамиз, бу мустаҳкамлик турмуш ободлиги билан янада кучаяди, деган мақсадда йилни шундай номлади, деб ўйладик. Уйдагиларга оиламизни, ҳовлимизни ободонлаштираверинглар, биз ободликни даладан бошлаймиз, дедик-да, аввал бу ёққа — устахонага йўл олдик, бу ердан тўппа-тўғри далага кетамиз.

Биргалашиб кулишди.

— Аслида юрт ободлиги ҳар бир оиладан, ҳовлидан, кўча ва маҳалладан бошланади, — деди уюшма раиси. — Шундай экан, даладан бошлаш ҳам бу ободликка янада жозиба бахш этади. Хўш, ҳозир хўт бўлмаса, ҳамал бўлмаса, далани нима билан обод қилмоқчисиз?

— Бу ободликни биз аллақачон бошлаганмиз, — деди шу пайт улар ёнига етиб келган "Чашма" фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Куттиев. — Масалан, хўжалигимизга қарашли 90 гектар ердаги 8 километр дренаж тармоғини эрта-индин тозалаб бўламиз. Уч километрлик ариғимизни қайта қазиб, сув равон оқадиган қилиб қўйдик. Пайкалларимизнинг тўрт тарафини хасчўплардан тозалаб, 52 гектар ғаллазоримиздаги ғўзапоя ҳамда қишда ҳам ўсадиган бегона ўтларини бартараф этдик. Лоток бўйлари ва уватлардаги дарахтларимизни-кутбаб-каллаклаб, сарвдек қилиб қўйдик. Бизнинг обод турмушимиз шундан бошланади-да!

Миришкорларнинг ўзаро гурунги қизиб кетди. Биров якунига етаётган Мустаҳкам оила йилида ўғлини уйлантириб, намунавий лойиҳадаги уйлардан олиб берганини, биров "Нексия" олганини, яна биров турмуш ўртоғи ва ўғил-қизлари билан оилавий тадбиркорлик ишларини йўлга қўйганини гапирарди.

Лекин ҳаммадан ҳам уюшма раиси Бахтиёр Абдуқодировнинг шодлиги чексиз эди. Негаки, уюшма таркибидаги 52 та фермер хўжалигига қарашли 1975 гектар майдондаги кўм-кўк ғалла майсалари кўкка бўй чўзар, энига ҳам эгатларни тўлдириб, бугун учтадан, эртага тўрттадан туплаганича деҳқонлар кўнглини пайкалларга боғларди. Ушбу яшнаётган буғдой майсаларининг ўзиёқ ободлик эмасми?

Ана, механизаторлар — Суннат Тошмуродов, Фирдавс Тоғаев, Баҳриддин Тожибоев, Муҳаммад Абдуолимовлар ўз ихтиёрларидаги сеялка ва культиваторларни сифатли таъмирлаб қўйишибди. Улардан ўрнак олаётган бошқа механизаторлар ҳам қолган 16 та сеялка, 38 та культиватор, 12 та чизель, 22 мажмуа сихмола ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини таъмирлашни тезроқ ниҳоясига етказиш учун ғайрат билан ишлашяпти. Қурбон Мустафоев бошлиқ "Давлатий", Ғофир Абдуқодиров бошлиқ "Абдуқодиров Ғофир", Имом Куттиев бошлиқ "Жозиба" фермер хўжаликлари аъзолари эса кўкламда чигит экиш учун шудгорлаб қўйилган 50-60 гектар пайкалларини чеккарга бўлиб, қондириб яхоб беришди. Бошқа фермер хўжаликлари аъзолари ҳам этик билан сув кечиб, далаларини яхобга қондиришяпти. Зеро, шу кунларда яхоб беришнинг хосияти бўлакча. Ернинг уски қатлами ҳам, пастки қатлами ҳам музлаган эмас. Далага очилган обиҳаёт ангиз кесакларини майдалаб, тупроқ таркибидаги тузни шакардай эритади-да, пастга ҳайдайди. Қарабсизки, тупроқнинг устки ҳосилдор қатлами шўрдан халос бўлиб, кўзлаган ҳосилингизни беради. Мана, деҳқоннинг ободликни даласидан бошлаши.

— Деҳқонларимиз далалар ободлигини оширaётган айни кунларда қишлоқ ва маҳаллаларимиз ёшлари, оқсоқоллару уй бекалари ўзлари яшаётган манзиллар ҳудудини орасталаб, ҳар бир киши ҳисобига иккитадан мевали, тўрттадан манзарали дарахт, кўплаб гул кўчатлари ўтқазишга киришдилар, — дейди Бахтиёр Абдуқодиров. — Бўш майдонлар, кўча бўйлари ва сайҳонликларни рўзғор чиқиндиларидан тозалаб қўйганмиз.

Жорий йилни фермерларимиз даромади юксалиб якунлашяпти. Уларнинг фермер хўжаликларида техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари етарли. Шундай экан, далаларимизни ҳам, қишлоқ, маҳалла ва оилаларимизни ҳам обод этаверамиз!

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Фарғона вилояти

**Фарғона вилоятида аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Олтиариқ, Тошлоқ, Ёзёвон, Риштон туманларида бодринг, помидор, кўкат етиштириш бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Томорқани хазина деб билган омилкорлар ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, мўл ҳосил олмоқда.**

## ҲАР ҚАРИЧ ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАБ...

Ёзёвон туманида томорқачиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

– Президентимиз раҳнамолигида томорқа хўжалигини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли туманимиз аҳолисининг турмуш даражаси тубдан яхшиланиб бормоқда, – дейди "Хонобод" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Юнусали Эргашев. – Бугунги кунда томорқасидаги 5-6 сотих лимонзоридан даромад олиб, кўпчиликнинг турмуши фаровон бўлиб бормоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, тўрт сотих лимонзордан бир йилда 10 миллион сўмгача даромад олиш мумкин экан. Буни тўғри чамалаб, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариб, ҳосил чўғини оширишга эришаётган хонободлик омилкорлар лимончиликда ўзига хос тажриба тўплади. Улар айни пайтда бир дона кўчатдан 300-400 килограммгача ҳосил олмоқда.

– Истиқлолнинг дастлабки йилида ўз хонадонимизда лимонзор ташкил этиб, иш бошлаган эдик, – дейди Юсуф ота Жўраев. – Ўша даврда Юртбошимизнинг жасорати билан аҳолига шахсий томорқа учун ерлар ажратилиши натижасида оилалар фаровонлиги яхшиланди, бозорларимизда мўл-кўлчилик ортди. Натижада хонободликлар ҳам томорқадан оқилона фойдаланиш имконига эга бўлди.

Қишлоқда жорий йилда ўндан ортиқ хонадонда лимонзорлар барпо этилди. Акмалжон Раҳимов бугунги кунда лимончилика катта тажрибага эга миришкорлардан. У томорқасида 5 сотихли иссиқхона ташкил этди. Энг муҳими, иссиқхона қуёш нури ёрдамида иситилади. Унинг юқори қисмида икки қават плёнка орасига похол жойлаштирилган. Оралиқдаги ҳаво туфайли ичкаридаги иссиқ ташқарига чиқмайди, ташқаридаги совуқ эса ичкарига кирмайди. Яна бир қават плёнка эса иссиқлик ва намликни сақлаб туришга хизмат қилади.

– Бир неча йилдан бери лимончилик билан шуғулланаман, – дейди Акмалжон Раҳимов. – Ҳозир кўчатлар бўй чўзиб, ҳосилга кирди. Бир туп кўчатдан минг донадан ошириб ҳосил оляпмиз. Ўтган йили 3 тоннадан зиёд лимон етиштирдик. Даромадимиз 18 миллион сўмдан ошди.

Шарофатхон Юсупова ҳам хонадонида иссиқхона қурган. Ҳозир кўчатлари ҳосилга кириш арафасида. Унгача эса иссиқхонада турли резаворлар, кўкат, қалампир ва бошқа экинлар етиштириб, оила эҳтиёжига ишлатмоқда, ортиқчасини бозорга чиқариб сотаётир. Қишлоқда бекор юрган одамни учратмайсиз. Лимон теришга қишлоқ ёшлари фаол кўмаклашади.

Кўриниб турибдики, ишнинг кўзини билган, ўз томорқасидан катта даромад олаётган кишиларнинг яшаш тарзи ҳам, ҳаётга муносабати ҳам ўзгармоқда. Турмуши фаровонлашиб, келажакка ишончи ортмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир. Яратилаётган шарт-шароит, берилаётган улкан имкониятлардан унумли фойдаланаётган хонободлик омилкорларнинг ҳаёти бунга яққол мисол бўла олади.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Андижон вилояти

▼ ОИЛАВИЙ БИЗНЕС

## МУРАККАБ СОҲАНИНГ МЕҲНАТСЕВАР КИШИЛАРИ

**Қишлоқларда бўлсангиз, кўплаб инсонлар билан танишасиз ва суҳбат қиласиз. Гурунг давомида улар қишлоғида юз бераётган янгиликлардан сизни воқиф этишади. Айниқса, деҳқончилик, ҳунармандчилик, тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишилар эришаётган ютуқлари ҳақида ўзгача хурсандчилик билан гапиришади.**



Яқинда Балиқчи туманидаги Сиза қишлоғида бўлганимизда Улуғбек Ҳайдаров деган йигит билан танишдик. У лимончилик билан шуғулланар экан. Лимон етиштиришнинг сир-асрорларини билиш мақсадида унинг хонадонига бордик.

Улуғбекнинг айтишича, унинг отаси Абдулҳамид ака тадбиркорликка қизиққан. Хонадонида томорқадан фойдаланиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Шу боис фарзандлар ерга меҳр қўйишган.

Лимончилик билан шуғулланишга аҳд қилганларнинг кўпини биламиз. Улардан айримларигина ўз мақсадларига эришган. 3-4 йиллик меҳнатингизни ҳали мевасини кўрмасдан туриб озгина бепарволик билан йўққа чиқариб қўйишингиз мумкин. Чунки лимончилик анча мураккаб, кўп меҳнат ва сабр-тоқат талаб қиладиган соҳа. Ака-укаларнинг лимонзорлари қай бирига кирмайлик — фарқ пишиқчилик. Мевасиз шохнинг ўзи йўқ ҳисоб.

Лимон дарахтининг шохларига терилиб қолган ҳосилни кўриб, ҳайрат ва ҳавасинг ортади. Иссиқхонанинг узунлиги 30, эни 8 метрдан кам бўлмаган чуқурликнинг усти енгил металл билан қопланган. Баҳор ва ёз ойларида ҳарорат етарлича бўлади. Куз ўрталарига келиб, металл каркас устига похол тўшалади ва плёнка билан ёпилади. Қарабсизки, декабрь ойининг бошидаёқ лимонлар теримга тайёр бўлади.

— Биз 1998 йили лимон етиштиришни бошлаганмиз, — дейди Улуғбек Ҳайдаров. — Ҳозирда мевага кирган лимон кўчатларимиз сони 600 тупдан ортди. Ўртача ҳар туп кўчатдан 50 килограммгача ҳосил оляпмиз. Пишган новдалардан қаламча усулида кўчат олсак, ҳосилга эртароқ киряпти. Лимон навимиз "Меер" деб аталади. Ушбу лимон нави кўп дардга даволиги билан юртдошларимизга яхши таниш.

Халқимизда "Ишлайман деганга иш кўп" деган гап бор. Улуғбек, Қаҳрамон ва Анваржон Ҳайдаровларнинг лимончилик соҳасидаги изланишларини кўриб шунга амин бўлдики, ҳали қишлоқда очилмаган имкониятлар бисёр экан. Ака-укаларнинг ҳамжиҳатликда ишлаши эса оилавий бизнеснинг келажаги ёрқин эканидан далолат беради.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

# СУВ КЕЛТИРГАН ДОИМО АЗИЗ

**Нукусда 2008-2012 йилларда Оролбўйида амалга оширилган ирригация ва мелиорация ишлари самарадорлигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда сув хўжалиги раҳбарлари, ирригатор ва мелиораторлар, илғор экскаваторчи-механизаторлар ҳамда бошқа соҳа мутахассислари иштирок этди.**

Тадбирда таъкидланганидек, 2008-2012 йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурида белгиланган лойиҳа доирасида 162 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларида қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилган бўлса, 85 та лойиҳа асосида 5328 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 794 та кузатув тармоқлари, 9 та сув ўлчаш иншоотлари ҳамда 952 та қувурли ўтиш жойларида таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 127 та сув истеъмолчилар уюшмалари хизмат кўрсатадиган 1128 та фермер хўжаликларида 135 минг 347 гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши ва ҳосилдорликнинг ортишига эришилди.



Шунингдек, ўтган давр мобайнида сувдан фойдаланиш борасида ҳам ибратли ишлар олиб борилди. Хусусан, 2012 йилда 590 километр магистрал ва хўжаликлараро, 4133 километр ички хўжалик каналлари тозаланди. Айниқса, ер ва сув тизимини яхшилаш, тупроқ балл бонитетини кўтариш ҳисобидан ҳосилдорликни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида 2164 километр хўжаликлараро коллекторларни тозалаш, 102 километр коллекторларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари бажарилди. Биргина Шуманай тумани ҳудудида ерларнинг шўрланишининг олдини олиш, экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида "Шуманай", "М.Абдуллаев", "О.Кўккўзов" хўжаликларида янги коллекторлар қазиш ишлари амалга оширилди. Кузги-қишки даврда 198 километр магистрал ва хўжаликлараро, 1245 километр ички хўжалик ирригация каналлари тозаланди. Мазкур ишларни бажаришда жами 100 та экскаватор, 45 та бульдозер ва 3 та ерснаряд жалб қилинди. Замонавий русумдаги 38 та экскаватор, "ТҮ-160" русумли 6 та бульдозер, "Ўзмелиомашлизинг" компанияси томонидан Хитой ва Россия давлатларида ишлаб чиқарилган 25 та экскаватор, 12 та бульдозер ва бошқа техник хизмат кўрсатувчи механизмларнинг олиб келиниши мелиорация ишларининг сифатли олиб борилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ҳамда фермерларнинг даромадини ошириш имконини берди. "Мелиомашлизингсервис" шуъба корхонасининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали очилиб, замонавий техника ва механизмларга 131 миллион сўмлик техник сервис хизмати кўрсатилди.

Ўтган йили 50 нафар экскаваторчи, 23 нафар бульдозерчи ва 8 нафар ерснаряд операторлар ўқитилди. Ишчи ходимларнинг далада ишлаш шароитини яхшилаш мақсадида кўчма вагон уйлар, махсус кийимлар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи масъул ҳомийлар бириктирилди. Соҳада ҳамкасбларига ўрнак кўрсатаётган механизаторларнинг меҳнати давлатимиз томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда. Жумладан, "Манғит-Назархон" ирригация тизими бошқармасининг экскаваторчиси Мадреим Нуруллаев "Шуҳрат" медали билан "Қизкеткен-Кегайли" ирригация тизими бошқармасининг экскаваторчиси Жумамурот Камалов "Дўстлик" ордени билан тақдирланган бўлса, "Қувонч жарма" ирригация тизими бошқармасининг экскаваторчиси Толибой Айимбетовга "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор", "Суенли" ирригация тизими бошқармасининг экскаватор-машинисти Мирзабой Қаниязовга эса "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор" унвонлари берилди.

— 40 йилдан буён ирригация соҳасида қилган меҳнатим эътироф этилганидан бағоят хурсандман, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор Мирзабой Қаниязов. — Бу юксак унвон нафақат менга, балки Оролбўйи шароитида меҳнат қилаётган барча мелиораторларга берилган баҳо деб биламан. Ўзим меҳнат қилаётган "Суенли" ирригация тизими бошқармаси Хўжайли, Шуманай, Қанликўл, Қўнғирот ва Мўйноқ туманлари фермерларини, корхоналарини ва аҳолисини узлуксиз сув билан таъминлайди. Айни кунда бошқармамиз жамоаси шўр ювиш ишларини олиб бормоқда.

Тадбир давомида илғор сувчи, экскаваторчи ва механизаторлар рағбатлантирилди. Уларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Б.Янгибоев иштирок этди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти



# ЕР УНУМДОРЛИГИ

## МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАР САМАРАСИГА БОҒЛИҚ

**Сўнгги йилларда юртимизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, мазкур соҳа ҳар жиҳатдан ривожланмоқда. Айниқса, бу борада кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, соҳага янги ва замонавий технологиялар жалб этилди. Натижада фермерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ҳал қилувчи кучга айланди.**

Айтиш жоизки, фермерларимизнинг мўл-кўл ҳосил етиштиришида, албатта, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхши бўлиши талаб этилади. Бу борада Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосий дастуриламал бўлмоқда. Мазкур соҳани ҳар жиҳатдан такомиллаштириш ва ривожлантириш учун давлатимиз бюджетидан ҳар йили миллиардлаб маблағ йўналтирилмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижасини бериб, далаларда ҳосилдорлик салмоғини оширмоқда.

Бошқа ҳудудларга нисбатан деҳқончилик қилиш бирмунча қулай, яъни обиҳаёт билан таъминлаш даражаси юқори бўлган Тошкент вилоятида ҳам бу борада кўплаб эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоятда суғориш тармоқларини тозалаш бўйича хўжаликлараро каналлар 259 км., ички суғориш тармоқлари техникалар ёрдамида 196,1 км. ҳамда қўл кучи билан 1889,7 км. узунликда ишлар бажарилган.

— Жорий йилда ҳам бошқармамиз аъзолари томонидан белгиланган режа асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилди, — дейди "Чирчиқ-Оҳангарон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Абдураззоқов. — Янги, замонавий ва қудратли техникалар ёрдамида минглаб километр узунликдаги ариқ-зовурлар сифатли тозаланди. Хусусан, таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича 19 та коллектор тизимида 1193 км. узунликда 5146,2 миллион сўмлик ҳамда реконструкция ишлари бўйича 11,2 км. узунликда 2414,5 миллион сўмлик ишлар бажарилди. Барча объектлар бўйича эса 966 км. узунликда лойиҳа-қидирув ишлари қилинди.

Шунингдек, Давлат унитар корхоналари ҳамда ирригация тизими бошқармалари томонидан 2008-2012 йиллар давомида "Ўзмелиомашлизинг" ДЛК орқали 46 та экскаватор, 12 та бульдозер ва 40 та бошқа замонавий техникалар харид қилинди. Бунинг натижасида, канал ва зовур тармоқларини тозалаш ишлари жадаллашиб, механизаторларнинг ишлаши учун қулай шароитлар яратилди.

Дарҳақиқат, бу ерда мақсадли йўналтирилган маблағлар эвазига тизим корхоналари томонидан йирик ҳажмда ирригация, мелиорация ишлари бажарилмоқда. Бу жараёнда "Чирчиқ-Оҳангарон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги "Оҳангарон-Далварзин", "Бўзсув", "Паркент-Қорасув" ирригация тизимлари, "Юқоричирчиқдавсувмахсуспудрат", "Янгийўлдавсувмахсуспудрат", "Бўкадавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхоналарида фаолият юритаётган малакали мутахассисларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Яқинда Юқоричирчиқ туманида ирригация ва мелиорация соҳасида фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш мақсадида тадбир ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари соҳада амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқлар ва бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида сўз юритишди.

— Каналлар, ариқларни ўз вақтида тозалаб, тўла қувват билан ишлашини таъминлаш, умуман, сув иншоотларини доимо соз ҳолатда сақлаш, сувдан оқилона фойдаланиш экин майдонларига узлуксиз обиҳаёт етказиб бериш имконини беради, — дейди экскаваторчи Қўзивой Жўраев. — Буни ҳар бир сувчи, ирригатор, деҳқону фермерлар — барча-барчамиз чуқур англаб етмоғимиз керак. Ана шунда экин майдонларидан мўл ҳосил олиниб, кўзланган мақсадга эришилади.

**Ҳасан МЎМИНОВ**

Қашқадарё Вилояти

# ИЛҒОР МЕХАНИЗАТОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

## АМУ-ҚАШҚАДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИДА 2012 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ВА 2013 ЙИЛНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда таъкидланганидек, ирригация ва мелиорация соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг Фармон ва Қарорлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Мелиорация тадбирларида замонавий техникалар катта самара бермоқда. Натижада йил бошидан буён 1729 километр узунликдаги коллекторлар тозаланди. 40 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу эса пахтачиликда ҳосилдорлик 2,1, ғаллачиликда 2,6 центнерга ошиш имконини берди.

Йиғилишда галдаги вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, тупроқ унумдорлигини ошириш, "Сувмахсуспудрат" давлат унитар корхоналари билан фермер хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, қўшимча тармоқларни ривожлантириш, хўжаликлараро каналлар ва сув шохобчалари ҳудудида ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш сўнгида илғор механизаторларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

«Qishloq HAYOTI»
148-son (2012-yil 13-dekabr)

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БАРЧАНИНГ БУРЧИ

**Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида республикамиз бўйича 10 мингдан ошиқ ёнғинда 400 нафардан зиёд инсонлар тан жароҳати олган, 120 дан ортиқ фуқаро ҳалок бўлган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнғинларнинг аксарияти лоқайдлик ва бепарволик сабабли содир бўлган. Яъни 75 фоиз ёнғин аҳоли турар-жойларига тўғри келмоқда.**

Самарқандлик Х.Раҳмоновнинг уйида носоз электр симларнинг қисқа туташувидан юзага келган аланга 130 кв.метр уйнинг том қисми ва уй жиҳозлари ёниб кетишига олиб келди. Ачинарлиси, офат қўшни уйга ҳам ўтган ва 70 кв.метр майдондаги қурилиш иморатлари зарар кўрган.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида яшовчи А.Пурусовнинг уйи ёниб кетди. Уй ёнса майли, энг ёмони, ёнғинни ўчириш вақтида уй эгасининг жасади топилди. Пурусов маст ҳолатда сигарета чекиб, ухлаб қолибди.

Бепарволик натижасида содир бўлаётган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айниқса, ҳаво ҳароратининг пасайиши билан ёнғинлар вазияти ҳам ўзгаряпти. Хусусан, газ чақнашлари оқибатида юзага келаётган ёнғинлар сони ортмоқда.

2012 йилнинг ўтган даврида республика ҳудудида газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ 70 дан зиёд ҳолат қайд этилиб, уларда 1 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 155 нафар фуқаро (шулардан 33 нафари болалар) тан жароҳати олган.

Бухоро туманида яшовчи Д.Тўраеванинг уйида ўрнатилган голланд газ печига ўтказилган газ қувурининг жўмраги тўлиқ беркитилмаганлиги оқибатида, табиий газ сизиб чиқиб, хонага тўпланиб қолиши ҳамда гугурт ёқиш вақтида хонадаги газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши содир бўлган. Чақнаш натижасида уйнинг том ва девор қисмлари қулаб, 3 нафар фуқаро тан жароҳати олишига сабаб бўлган.

Андижон шаҳар 10-уйдаги қўлбола газ тортиш мосламасидан табиий газ сизиб чиқиб, хонага тўпланиб қолиши оқибатида ёнғин содир бўлган. 4 қаватли уйнинг 16 ва 30-хонадонлар орасидаги девор ёрилган ҳамда 16 ва 29-хонадонларда содир бўлган ёнғиндан уй-рўзғор буюмлари зарарланган.

Ҳар бир ёнғин инсонларнинг ҳаётига, уларнинг яқинларига хавф солиши ва кўп машаққатлар эвазига бунёд этилган уй-жойларини, йиллаб тўплаган мол-мулкларининг бир зумда ёниб кетишига олиб келмоқда.

Юқоридаги ҳолатлардан биргина хулосага келиш мумкин: ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси эмас, балки барчанинг бурчи.

**Даврон ҚАМБАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бош мутахассиси, подполковник.**




## НОТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАРАРИ КЎП

**Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамасдан айрим лоқайд фуқароларимизнинг газ электр асбобларидан нотўғри фойдаланаётганликлари оқибатида турли ёнғинлар содир бўлаётир.**

Бу борада ёқилган газ асбобларини қаровсиз қолдириш, газ плиталарини кўчириш, плита, печка устида кир қуритиш, газни резина шланг улаб ишлатиш, АГВ мосламасининг мўрисини нотўғри ўрнатиш, электр иситиш анжомларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида турли кўнгилсиз ҳолатлар юзага келаётганини таъкидлаш жоиз.

Масалан, Шайхонтоҳур тумани Камолон кўчаси, Г.Раҳимов берк кўчаси 6-а уйда болаларнинг қаровсиз қолиши оқибатида ёнғин содир бўлган. Уй эгалари зудлик билан етиб келганлиги ҳамда ёнғин хавфсизлиги ходимларининг тезкор ҳаракатлари боис, фақат уйдаги кўрпа-тўшаклар ёнган.

Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун бироз эътиборли бўлиш, болаларни қаровсиз қолдирмаслик ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига аҳамият бериш жоиз.

**Ш.САЛИМОВ,**
**Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХБ кичик инспектори, сафдор.**

## ФАОЛИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ ГАРОВИ

Иқтисодиётни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, умуман барча тармоқларни юксалтиришда нефть маҳсулотларининг аҳамияти беқиёс. Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида фаолият олиб бораётган "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" унитар корхонаси жамоаси ҳам нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзига хос хизмат кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни ёнғин муҳофазасига қатъий риоя қилишни талаб этади. Шу боис корхонамиз таркибидаги цехлар ёнғин хавфсизлигини таъминлаш воситалари билан жиҳозланган. Шу кунларда мамлакатимизда "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Биз ҳам бу жараёнда фаол иштирок этяпмиз. Ойликни корхонанинг цех ва участкаларида намунали ўтказиш мақсадида бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари завод ишчи ходимларига доимий равишда ўзларининг қимматли маслаҳатларини, ёнғин хавфсизлигини таъминлада амалий ёрдамларини бериб келишмоқда.

"Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" УКнинг хомашё тайёр маҳсулотлар цехида корхонанинг асосий технологик жараёнлари амалга оширилади. Ушбу цехда хомашё тайёрлаш ва қозонхона ёқилғисини сақлаш, авария машъала хўжалиги ва бензин, дизел ёқилғиси аралашмалари тайёрлаш шохобчалари, углеводород хомашёсини тўкиш ва нефть маҳсулотларини қуйиш темир йўл эстакадаси, суюлтирилган углеводород газларини сақлаш, тайёр маҳсулотларни сақлаш участкалари мавжуд, ҳамда ушбу участкаларда мураккаб технологик жараёнлар амалга оширилади. Ушбу жараёнларни амалга ошириш давомида ҳар бир ишчи ходимдан ёнғин, газ, техника, электр ва саноат хавфсизлиги қоидалари ва талабларига ҳамда мутахассислар маслаҳатларига қатъий амал қилиш талаб этилади. Албатта, бундай тадбирларнинг доимий равишда ўтказилиши, ишлаб чиқариш жараёнларида кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқмаслиги ва технологик қурилмаларнинг бир маромда ишлаши учун замин яратади.

**Шерзод МЎМИНОВ,**
**Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи цех кузатувчиси.**



## ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига мувофиқ мамлакатимизда ўтказилаётган Ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида Қашқадарё вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан ҳам изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.**

– Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда аҳоли орасида олиб борилаётган тушунтириш ишларининг аҳамияти катта бўлмоқда, – дейди вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Дилшод Тиллахўжаев. – Шу мақсадда бошқармамиз томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режаси изчил бажарилаётир.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида вилоятдаги 190 корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди. Ушбу тадбирлар давомида корхона ва ташкилотларда 184 учрашув ўтказилиб, 273 ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Ёнғин хавфсизлиги талабларини бузган 34 нафар ташкилот раҳбарига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Ёнғинлар асосан аҳоли турар-жойларида содир бўлаётганини инобатга олган ҳолда, вилоят бўйича 15142 хонадон, 237 кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати, чордоқ ва ертўлалари текширувдан ўтказилди. Шунингдек, маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳудудидаги 310 газ тақсимлаш қурилмаси, 248 трансформатор текширилиб, аниқланган камчиликлар мутахассислар ёрдамида ўз вақтида тузатилди.

Бу жараёнда ёнғин чиқиш хавфи бўлган бино ва иншоотларнинг фаолияти тўхтатилди. Суҳбатларда фуқароларга қиш мавсумида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, болаларни қаровсиз қолдириш, носоз газ ва электр мосламаларидан фойдаланиш оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган нохуш ҳолатлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

## ТАРҒИБОТЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

**Зангиота тумани ИИБ давлат ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан ҳам режа асосида барча маҳалла фуқаролар йиғинларида, корхона, ташкилотлар, ўқув ва даволаш муассасаларида, кенг омма орасида ёнғин ва унинг кўнгилсиз оқибатларининг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги қоидалари яна бир бор тушунтирилиб, кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда.**

Жумладан, навбатдаги тадбир туман Келес ШФЙ Зангиота тумани ҳокимияти биноси олдида ўтказилди. Келес ШФЙ, З.Пўлатов, Ҳувайдо, Оқибат маҳалласида яшовчи фуқаролар иштирок этган тадбирда Зангиота туманида жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида содир бўлган ёнғинлар, уларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари самараси ўлароқ ўтган йилнинг шу даврига нисбатан содир бўлган ёнғинларнинг сони 6,1 фоизга камайишига эришилгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир доирасида иштирокчилар ёнғин ўчириш анжомлари ва техникаси намойиши, ёнғинни ўчириш ўқув тактик машғулотини гувоҳи бўлишди.

**И.ХОЛБОЕВ,**
**Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант.**

## БОЛА УЙДА ЁЛҒИЗ ҚОЛСА...

**Ҳаммамизга маълумки, бола табиатида қизиқувчанлик ҳисси юқори бўлади. Табиийки, уйда ёлғиз қолган бола пайтдан фойдаланиб, гугурт, электр-маиший асбоблари ва газ жиҳозларидан фойдаланиб кўргиси келади.**

Бола ўзи учун қизиқ бўлиб кўринган нарсанинг оқибати "вой" бўлишини хаёлига ҳам келтирмайди. Зеро, халқ орасида "боланинг иши чала" деб бежизга айтилмайди.

Энг ачинарлиси, агарда боланинг кўз ўнгида ёнғин содир бўлса, у саросимага тушиб ҳеч кимни ёрдамга чақира олмайди. Натижада олов кучайиб, вазият аянчли тус олиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг ўлим билан тугамаслигига ҳам ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бу борада болаларни қаровсиз қолдирмаслик, уларни олов билан ўйнашларига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқдир.

**А.СУЛЕЙМАНОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ҲЁХҚ инспектори, сержант.**

## ҲУШЁРЛИК КУНДА КЕРАК

**Ҳар бир киши кундалик турмушда хавфсизлик қоидаларига амал қилса, ёнғиннинг олди олинган бўлар эди.**

Аммо орамиздаги баъзи инсонлар носоз электр, газ асбобларидан фойдаланиши, ёш болаларни назоратсиз қолдириши, чиқинди ва хазонларни ёқиши оқибатида турли кўнгилсиз ҳолатлар юзага келаётир.

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" доирасида ўтказилаётган тадбирларда ёнғинларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, огоҳлик ва ҳушёрликни ошириш шаҳар ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу ўзининг ижобий самарасини бераётир.

**Миржаҳон ПЎЛАТОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ 12-ҲЁХО 12-ҲЁХҚ кичик инспектори.**

# СОЯ ҲАМ ОЗУҚАБОП, ҲАМ САНОАТБОП ЎСИМЛИК

**Соя бир йиллик ўсимлик бўлиб, ўсув даври минтақа об-ҳавоси ва навларнинг генотипига қараб 70-250 кун давом этади. Уруғ униб чиққанидан кейин унинг ўқ ва ён илдизлари тупроқнинг ҳайдалган қисмида туганаклар ҳосил қилиб, ризобум жапоникум бактериялари ёрдамида ўсимлик учун зарур бўлган азот моддасини йиғади.**



Ўсимлик фосфорга жуда талабчанлиги боис, илдизи тупроқ ҳолатини ўзгартириш хусусиятига эга. У бошқа ўсимликлар бажара олмайдиган, ерда қотиб қолган кальцийли фосфатдан фосфорни ажратиб олиб, ўзидан кейинги экинлар истеъмол қила оладиган ҳолатга келтиради. Ўсимлик ҳар қандай муҳитга ҳамда ёруғликка осон мослашади.

Уруғи думалоқ, овалсимон, ранги сариқ, яшил, қора ёки жигарранг бўлиши мумкин. Навига ва ўстириш шароитига қараб 1000 та уруғнинг оғирлиги тахминан 70 граммдан 350 граммгача бўлади. Соя Жанубий Америка, Хитой ҳамда Африка давлатларида кўп етиштирилади.

Олдинлари юртимизда соя деярли экилмаган. 1997 йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспрементал биологияси институти ташкил топганидан сўнг ушбу ўсимликнинг генофондини тўплаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бунинг учун Ўсимликшунослик институтидан 20 та, Шоличилик институтидан 40 та, Белоруссиядан 20 та намуна олинди. Айни пайтда соянинг 100 дан ортиқ ботаник коллекция намуналари ва 40 дан ортиқ генетик коллекция тизмалари йиғилган. Улар орасида асосий экин сифатида ҳосилдорлиги юқори бўлган (30-40 центнергача) навларни учратиш мумкин.

Мамлакатимизнинг асосий майдонларида кузги буғдой ва ғўза етиштирилганлиги боис, уларнинг оралиғида такрорий экин сифатида экилиши кўзда тутилган соя навлари ажратилди. Улардан бири "Генетик-1" нави 2009 йилдан Давлат реестрига киритилди. У кузги буғдойдан кейин экилиб, 85-90 кунда ҳосил беради. "Генетик-1" навининг ўзига хос хусусиятларидан бири, у бошқа навларга нисбатан бирмунча сувсизликка чидамли. Жорий йилда Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги "Оқ-сув" фермер хўжалигида гектаридан 25 центнергача ҳосил олинди. Жалақудуқ туманидаги "Марҳабо" фермер хўжалигида ғўза+ буғдой билан биргаликда буғдой+соя+ғўза алмашлаб экиш усулидан фойдаланиб, пахта ҳосили 3-4 центнерга оширилди. Тупроқ унумдорлигини бир мунча яхшиланди.

Соя таркибида оқсиллар, ёғлар, углеводлар мавжуд. Соядан тиниқ сариқ рангли ёғ олинади. Унда тўйинган, тўйинмаган ва ярим тўйинган, шунингдек, линолевали ва линоленли ёғ кислоталари бор.

Соя донидан А, В1, В2, В3, В6, С, Е, К, РР, Р витаминлари, антибиотиклар, ҳар хил дори-дармонлар тайёрланади. Фанер, плита, қоғоз, турли хил бўёқлар ва бошқалар тайёрлашда фойдаланилади. Шунингдек, соядан ҳар хил озиқовқат маҳсулотлари ва парҳез таомлар тайёрлаш мумкин. Муҳими, чорвачилик ва паррандачилик учун тўйимли озуқа манбаи.

Ёғи Е витаминига бой. Донида инсон организми учун энг зарур бўлган фосфор, калий, кальций, магний, натрий ва темир минерал элементлари мавжуд. Унида темир элементи буғдойга қараганда 7 баробар ортиқ.

**Мирадҳам АБЗАЛОВ,**
**биология фанлари доктори, профессор.**

*Сирдарё Вилояти*

**Ховос туманида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Глобал экология фонди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистонда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш вакиллиги ҳамкорлигида маҳаллий чиқиндидан биогаз ишлаб чиқаришни кўпайтиришга бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди.**

## ЧИҚИНДИДАН БИОГАЗ

Тадбир иштирокчилари "Надежда" фермер хўжалигида гўнгдан биогаз ҳосил қилиш ҳисобига молхонани иситиш, ем тайёрлаш, электр энергияси олиш тажрибалари билан танишдилар. 50 бош қорамол, 100 бош чўчқа боқилаётган ушбу фермада бир кунда 5 тонна маҳаллий чиқиндидан 24 кубометр биогаз ишлаб чиқарилмоқда.

– Маҳаллий чиқиндидан олинаётган биогаз айниқса, электр токи ва газ тақчил тоғли ҳудудларда жуда қўл келади, — дейди "Надежда" фермер хўжалиги раҳбари Надежда Дурдина. — Шу билан бирга, маҳаллий чиқиндини тўплаб, ундан фойдаланиш ҳам орасталик, ҳам экологик тозаликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг грантини ютиб олган Надежда Дурдина чорвачилик фермасига биогаз ҳосил қилувчи ускуналарни келтириб ўрнатди. Мана уч йилдирки, арзон ва фойдали ёқилғидан фойдаланиш эвазига фермер хўжалиги иқтисоди юксалиб бораётир. Энг муҳими, қайта ишланган чиқинди қишлоқ хўжалик экинлари учун фойдали озуқа саналади. Эндиликда фермер биогаз учун ишлатилган чиқиндиларни бошқа фермер хўжаликларига сотиш ҳисобига ҳам даромад олмоқда.

Семинарда сўзга чиққанлар янги инновацион лойиҳаларни амалиётга кенг жорий этиш, арзон ва экологик тоза биогаздан самарали фойдаланиш афзалликлари ҳақида сўз юритишди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

*Жиззах Вилояти*

# ПЕШАҒОРГА САЁҲАТ

**Зоминда Пешағор ғори бор. Моргузар тоғ тизмаларида жойлашган ушбу ғорнинг теварак-атрофи баланд қоялардан иборат. Ғор олди маъносини англатувчи ғорнинг ички кўриниши ниҳоятда ғаройиб. Бу ерда қуёш нурисиз яшайдиган жониворларни ҳам учратасиз.**



Баланд тоғ тизмалари бўйлаб юқорига кўтариламиз. Теварак-атроф ям-яшил арчазорларга бурканган. Такали ва Қумбел тоғлари туташган бу сўлим маскан мовий тоғлар деб айтилишининг боиси ҳам шу яшилликда.

Атрофи харсанглар, шох-шабба ва буталар билан ўралган баланд тепалик тагида ғор жойлашган.

Тор ва кичик туйнук орқали ғорга тушамиз. Ички йўл бўйлаб борарканмиз, қаршимизда турфа ранглар жилоси намоён бўлади.

Ғор деворлари шифтларида сон-саноқсиз кўршапалакларга кўзимиз тушади. Бу жониворлар уяларини адашмай, топиб келишади ва шифтга осилганча бу масканда хатардан холи яшайди. Яна бу ерда капалак, суварак, ялтироқ қурт ҳамда ер устида учрамайдиган жониворлар ҳам яшайди.

Ғор ичкарисига кирган сайин қоронғилик кучайиб боради. Ва шунинг баробарида ғор саҳни кенгаяди. Бошқа-бошқа томонларга кетган ғор шохобчалари кишини адаштиради. Баъзан йўл торайиб кетади. Шу боис, эмаклаб юришга, еростги ёриқлардан сиқилиб ўтишга тўғри келади. Эгнимиздаги кийимлар ҳўл бўлиб кетади. Мадорсизланамиз, бўғинларда бўшашиш сезила бошлади. Бу ғорда ҳавонинг камайишидан далолат. Шундай пайтда, албатта, бироз нафас ростлаб, тамадди қилиб олиш зарур. Яна йўлга тушамиз. Энди ғор йўлагида сирпанчиқ, қиррали харсанглар жуда кўпайиб боради. Эҳтиёт бўлиш шарт. Негаки, оёқ тойиб кетиши ҳеч гапмас. Бундан бошқа йўл йўқ. Ҳар бир қадамни ҳушёрлик билан ташлаш талаб этилади. Энсиз ва эгри-бугри йўлаклардан ўтаётиб "ғир-ғир" эсиб турувчи елвизакка дуч келасиз. Қизиқ. Жуда ҳам синоатли. Мўъжиза.

Ғор деворларидан сизиб тушаётган сув томчиларидан бир неча жилға ҳосил бўлибди. Фонар ёруғида деворлардаги гранит ва оҳактошларга назар ташлаймиз. Ғорнинг ички кўриниши ниҳоятда ғаройиб. Айрим тошлардаги шакллар одам ва шерларни эслатади. Шунда фонарнинг чироғи хиралашиб бораётганини сезамиз. Демак, энди ортга қайтиш зарур. Акс ҳолда, бу қоронғуликда адашиб қолишимиз мумкин.

...Мана яна ёруғликка етдик. Қуёш энди уфққа бош қўймоқда. Атроф ниҳоятда гўзал. Бундай манзарани баъзан сўз билан ифодалаш қийин.

Саёҳатдан эса шундай хулоса олдик. Она табиат, тарихий мажмуа, қадимий обида ва ёдгорликларни асраш, уларга зиён етказмаслик лозим. Уларни келажак авлодга аслидек етказиш зарур.

**Абдулла САИДОВ**

▼ БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

# УЙҚУГА ТЎЙМАСЛИК – ЮРАККА ЗАРАР

**Соғлом бўлиш учун ҳар куни 7-8 соат ухлаш зарур. Бу мутахассисларнинг фикри. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо, ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқолмаймиз. Аксарият вақтимизни уй ишлари, шахсий гигиена, дўстлар билан мулоқотга сарф қиламиз. Тўйиб ухламаслик оқибатида эса кун бўйи тушкун кайфиятда, ҳолсиз юрамиз.**



Мутахассисларнинг фикрига кўра, тўйиб ухламаслик юракка салбий таъсир кўрсатиб, одам организмида турли хил шиш ва яллиғланишлар пайдо бўлар экан. Агар одам 8 соат ўрнига 4-5 соат ухласа, унинг организмида цитокин молекулалари ортади. (Бу молекулаларнинг ортиши организмда инфекция ёки шиш пайдо бўлган пайтлардагина кузатилади). Бу артерияларнинг зичлашишига, қон босимининг ошишига, инсульт ва юрак фалажига олиб келиши мумкин. Қанд моддасини меъёрда сақлаб туриш учун одам организми кўп инсулин ишлаб чиқариши керак. Кам ухлаш қондаги қанд миқдорига ҳам таъсир қилади. Бу ҳам юрак касалликларига олиб келиши мумкин. Баъзи одамларни уйқусизлик касали безовта қилади. Уйқу бузилишининг асосий сабаби – бедорлик. Кўпчилик ҳолатларда қаттиқ чарчаш, мияда қон айланиши бузилиши бедорликка сабаб бўлиши мумкин. Шовқин, ёруғлик, сурункали уйқуга тўймаслик, аллергия ҳам бедорликка олиб келиши мумкин. Унинг белгилари: уйқунинг қочиши, эрта уйғониш билан изоҳланади. Бедорликнинг яна бир тури – жонсарак оёқлар касаллигидир. Бунда беморнинг оёқ ва қўлларининг учлари совуқ ёки иссиқ бўлади. Беихтиёр одам қўли ва оёғини қимирлатишга мажбур қилади. Албатта, бу ҳолатда одам уйқуга кета олмайди. Баъзан туш кўриш ҳам одам организмига ўз таъсирини ўтказади. Шу боис, туш кўрган кунимиз эрталаб уйқуга тўймаганимизни ҳис қиламиз.

Тўйиб ухлаш учун қаҳвани кам истеъмол қилиш керак. Уйқудан олдин телевизор кўриш ҳам зарарли. Уйқу олдидан ҳўл мева ёки мойчечакли чой истеъмол қилиш фойдалидир.

Соғлом организм учун уйқу жуда зарур. Инсон меъёрида ухласа, камроқ касалликка чалинади.

**Зулфия АҲМЕДОВА**
**тайёрлади.**

# Антиқа ресторанлар

**Барчамиз яхши овқатланишни хоҳлаймиз. Афсуски, баъзида қатъий иш жадвали туфайли уйга келиб истаган овқатимизни тайёрлашга вақтимиз етмайди. Шуларни ҳисобга олиб, бизга турли таомлардан иборат менюни таклиф этувчи кўплаб ошхона ва ресторанлар мавжуд. Уларнинг энг машҳурлари ва антиқалари билан танишиб ўтамиз.**



### ДАРАХТДАГИ РЕСТОРАН

Тобаго оролининг Спрейсайд шаҳрида Jemma's Sea View Kitchen ресторани дарахт устида жойлашган. Ундан оролнинг барча қисмларини томоша қилиш мумкин. Бу ерда асосан балиқ, товуқ гўштларидан тайёрланган таомлар дастурхонга тортилади.



### МУЗ РЕСТОРАН

Бу ресторанда ичимликлар муздан ясалган стаканларда ичилади. Ўриндиқлар, девор, идиш товоқлар ҳам ҳаммаси муздан ясалган. Айтишларича, биринчи бўлиб муз ресторанлари Швецияда очилган, кейин эса бутун дунёга тарқалган. Кўча ва ресторан ҳароратининг фарқи 50 градус Цельдийгача бўлиши мумкин.



### ЕР ОСТИ РЕСТОРАНИ

Мальдив оролининг Hilton меҳмонхонасидаги Itha ресторани 14 кишига мўлжалланган. У ерда бўлган киши акулалар ва турли хил сув ҳайвонларини кузатиб овқатланиш имконига эга бўлади. Чунки тўрт тарафдан ойна билан ўралган бу ресторан 5 метр сув остида жойлашган.



### ОФИЦИАНТЛАР — ҚЎШИҚЧИ

Нью-Йорк шаҳридаги Бродвей марказида жойлашган Ellen's Stardust ресторанида бўлган киши ўзини 50-йилларга қайтгандек ҳис этади. Чунки ресторанннинг ички безаги ва ташқи кўриниши 50-йиллардаги ресторанларга хос. Қизиғи, официантлари – профессионал қўшиқчи.

### ҚОРОНҒИ РЕСТОРАН

Бундай ресторанлар Париж, Москва ва Лондонда мавжуд. Ресторанга киришда қўл телефони, соат ва бошқа шахсий буюмлар сейфга топширилади. Кейин эса қоронғида таомга буюртма берилади. Официант мижозларни жойига кузатиб қўяди. Официантларнинг кўзи кўр, шунинг учун қоронғида йўналишни яхши билишади. Аввалига хўрандаларни ҳаяжон ва қўрқув босади. Аста-секин қўшни столларда ўтирганлар билан суҳбатлашишга киришадилар.



### РЕСТОРАН-ҚАМОҚХОНА

Германиянинг Рюдесхайм шаҳрида жойлашган Bollesje ресторани қамоқхона ўрнига қурилган. Ресторанга киришда мижозлардан бармоқ излари олиниб, ахлоқ-одоб қоидалари эслатиб ўтилади. Кейин уларга "ўғрилар коктейли" ва қамоқхона кийими таклиф этилади.



### ОСМОНДАГИ ТУШЛИК

Ресторанларнинг шовқин-суронли, мижозларга тўла бўлиши ва торлиги жонига теккан одамлар учун Dinner In The Sky ресторани жуда мос келади. 20 киши ўтирган ўриндиқларни кран 50 метр юқорига олиб чиқади. Бу ресторан Бельгияда жойлашган.

**Зулфия АҲМЕДОВА тайёрлади.**




(17 декабрь – 24 декабрь)



**ҚЎЙ (21.03 — 20.04)**

Ушбу ҳафтада уй-рўзғор ташвишлари билан ўралашиб қолмасликни маслаҳат берамиз. Чунки ишхонангизда сизга яхшигина даромадли иш таклиф қилишлари мумкин. Ўзингизни кўрсатишга ҳаракат қилинг.

**БУЗОҚ (21.04 — 20.05)**



Анчадан бери чала ётган лойиҳаларингизни якунига етказиш учун ташаббусни қўлингизга олсангиз бас. Чеккан машаққатларингиз келажакда, албатта, ўз мевасини беради. Сизни ажойиб хушхабар кутмоқда.



**ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)**

Бирваракайига иккита қуённи ураман, десангиз янглишасиз. Бу борада сал маҳоратсиз мергансиз, тан олинг. Шунинг учун барча ишларни режа асосида амалга ошираверинг. Шунда барчасининг уддасидан чиқасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)**



Ниҳоят анчадан буён хаёлингизда пишитиб келаётган режаларингизни амалга ошириш вақти келди. Моддий қийинчиликларга асло дуч келмайсиз. Сизни муваффақият кутмоқда.



**АРСЛОН (23.07 — 23.08)**

Яқинларингиз ва дўстларингизнинг маслаҳатлари бу ҳафтада жуда асқотади. Ишларингизни тартибга келтирасиз. Аммо туб бурилиш вақти келгани йўқ. Ҳозир билимларингизни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш даври.

**ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)**



Истиқболли ишларга сармоя тикинг. Бу ҳафтада учрашган одамларингиз кейинроқ ҳаётингизда муҳим роль ўйнаши мумкин. Яқин қариндошларингиз, ота-онангизга эътиборлироқ бўлинг.



**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)**

Ишингиздаги қийинчилик сизга ўзингизни кўрсатиш имконини беради. Ўринсиз таваккал қилиш яхши эмас. Вужудга келган вазиятни обдон таҳлил қилиб, боши берк кўчадан чиқишга ҳаракат қилинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11)**



Шахсий ҳаётингизда қувончли воқеалар ва атрофдагиларнинг диққат-эътиборида бўлишингиз сизга маънавий куч-қувват бахш этади. Янги танишлар орттирасиз. Соғлиғингиз ҳақида ҳам қайғуришни унутманг.



**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)**

Ҳафта давомида тер тўкиб ишлашга тўғри келади. Буни моддий аҳволингизни яхшилаш учун берилган яхши имконият деб билинг. Ва кўнглингизни бўлмай ишлашда давом этишни маслаҳат берамиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)**



Бу ҳафтада ташкилотчилик қобилиятингиз сизга жуда асқотади. Керагидан ортиқ қайғуриш соғлиғингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун бўлар-бўлмас нарсаларга асабийлашаверманг.



**ҚОВҒА (21.01 — 20.02)**

Ҳал бўлиши лозим бўлган ишни орқага сураверманг. Темирни қизиғида бос, деган мақол бежизга айтилмаган. Керак вақтда кескин ҳаракат қилиш мулзам бўлиб қолишнинг олдини олади.

**БАЛИҚ (21.02 — 20.03)**



Янги танишлар орттиришингиз мумкин. Кўтаринки кайфият фаолиятингизга ҳам ижобий таъсир этиб, жуда самарали лойиҳаларни амалга оширасиз. Дам олиш кунлари мириқиб дам олинг.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ: А.ЭЛМУРОДОВ

Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1214, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 20.35
15004 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5